Тадбир қатнашчилари Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида адабиёт аҳлига қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик диққатга моликлигини, ўрганса арзигулик ишлар эканини мамнуният билан таъкидлашди. Ўзбекистон раҳбари туркий тили давлатлари халқлари ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлашда адабий-маданий алоқалар муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этганди. Ана шу ташаббуснинг амалий натижаси сифатида туркий тилли мамлакатлар адабиётининг энг сара асарларидан иборат юз жиллик китоб ўзбек тилида нашр этилганини анжуман иштирокчилари ҳавас ва ҳайрат ила таъкидладилар. Қисқа вақтда бундай улкан, масъулиятли ишни амалга ошириш осон эмаслиги, бу, албатта, давлатнинг моддий ва маънавий қўллаши туфайли юзга келгани қайта-қайта айтилди.

Навоий шахридаги машҳур “Фарҳод” саройида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унинг аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлигининг фахрий раиси, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анар Рзаевни “Дўстлик” ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди ва

БИР ИЛА

лик доирасидан табиий равишда ўсиб чиқиб, маданият, жумладан, адабиётлар ҳамкорлигига етиб келди. Натижада, қисқа вақт орасида, раҳбаримизнинг ташаббуси билан юз жилдан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари” чоп этилди. Бу нашр Ўзбекистон олиб бораётган тинч-тотувлик сиёсатининг тотли мевасидир. Туркий бирлик учун жон берган боболаримизга қўйилмиш энг мухташам ҳайкаллар. Чунки бу китоблар туркий халқлар бир-бирини теранроқ англаши, бирдамликнинг маъносини тушунишининг энг ёруғ йўлидир ва бу ишнинг Ўзбекистонда амалга оширилишида чуқур рамзий маъно бор. Ахир, Амир Темур бобомиз биз туркийларнинг бош бўғинимиз деб бекорга айтмаган-ку!

Туркий адабиётларнинг забардаст вақиллари иштирокида “Мумтоз шеърят” фестивали Навоий шахрида ўтказилишида ҳам мана шундай гўзал маъно балқиб турибди.

Шу ерда, Туркиядаги анжуманлардан бирида Туркия Ёзувчилар уюшмаси раиси Мемед Дўғоннинг бир гапини келтириб ўтиш жуда ўринлидир. У Самарқанддан Бухорога кетаётганда, бийдай даштда замонвий бир шахар қад кўтариб турганини кўради. Адиб бу шахарнинг но-

Оразбай АБДУРАХМОНОВ,
Қорақалпоғистон ва
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

РУҲИЙ БИРЛИК АНЖУМАНИ

Навоийдан савод очдим,
Махтумқулдан дурлар сочдим.

БЕРДАҚ

Баҳор кайфияти ўзгарувчан бўлади. Навоий шаҳрига сафар тўғрисида хабар тарқалганида, кунда кўриб юрган, ўзимизнинг саҳро-да, деб кўйган эдим. Кейинрок “Афросиёб” поездида боришимизни айтишганида, ўша темир қанотда учиб истаги пайдо бўлди. “Афросиёб” оддий поезддан уч баробар тез юрар экан. Вокзалда эски кадронларим Дўсмурод билан Баҳриддин кутиб олганидан бошим осмонга етди.

“Мумтоз шеърят” тадбирлари халқаро Турксий Ёзарлар бирлиги доирасида ўтказилгани аини мудоа бўлди. Анжуман оқсоқоли, атоқли озар ёзувчиси Анар муаллим, эски кадрдоним улуғ козок оқини Улуғбек Эсдавлет, кирғиз, татар, бошқирд ёзувчи, шоирлари даврасида ўзимизни жуда эркин ҳис этдик. Учрашуларда ҳар ким ўз она тилида шеърлар ўқиди, улар ҳаммага тушунарли эди.

Навоийликларнинг кенгфеллиги-ю меҳмондўстлигини кўноқлар таърифлайверсин, мен туркий халқлар бирлиги ва кадрдонлиги ҳақида гапирмоқчиман. Уларнинг келиб чиқиши, тили, турмуш тарзи бирлиги аён ҳақиқат. Улар бир-бирисиз яшаши амри маҳол. Шунини яхши тушунган туркий давлатлар раҳбарларининг кадрдонлик илдишларини ташташиришга интилишлари табиий. Турк дунёси минг йиллардан

буён бор, кейин ҳам бўлади. У ҳар бир миллатнинг кадрятлари ва маданияти, тили, адабиёти ва маънавиятини тан олади, кадрлайди. Туркия собиқ президенти Тургут Ўзал 1993 йили Анталияда бўлиб ўтган анжуманда бу ҳақда шундай деганди: “Ўрта ер денгизидан тортиб, Япон денгизигача бўлган ҳудудда жойлашган турк дунёси овоз ва обод бўлади”. Ҳа, шундай бўлди, давлатчилигимиз мустақамлабнинг, бугун туркий халқлар огизбирликка эришди. Бу гоийнинг амалиётида зиёлиларимиз ўрнатқурсатяпти. Навоийдаги анжуман бунинг ёркин далили. Аини пайтда ўрта турк алифбоси ва ўрта турк тили соҳасида ишлар кетаяпти.

Сўз мулкнинг султони Мир Алишер Навоий номи билан аталган шаҳарда бошланган турк дунёсининг руҳий бирлиги анжумани давлатларимиз раҳбарлари келишувига биноан ўтказилгани, айниқса, аҳамиятлидир. Ўтган йили “Махбуб ул-қулб”нинг бир қисмини қорақалпоқ тилига таржима қилиб, “99-толғау” номи билан чоп этган эдим. Китобни расом қудамнинг чизган расмлари беъзди. Икки қуд бирлашиб, авлодларга бир китоб – Навоийнинг “Ошиқ кўнгиллар”ини васият қилдик.

Навоийдан Тошкентга ҳам “Афросиёб” тезорар поездида қайтдик. Қизилқум саҳросидан ўтаётганимиз, орқамдан Оролқум бостириб келаятгандай қараб кўяман. Хайрлашишни истамаган Баҳриддин дўстим бизни Самарқандагача кузатиб келди. Мен эса дўстим Улуғбек Эсдавлетни Тошкент аэропортига кузатиб кўйдим... Кўришгунча хайр, дўстлар!

дирди. ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги кенгашининг қарорига биноан Анар Рзаев мазкур уюшманинг “Олтин нишон”и билан тақдирланганини эълон қилди ва “Олтин нишон”ни Анар муаллимга топширди.

Йиғилишда ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги олдида турган вазифалар ҳақида батафсил фикр юритилди. Ҳар бир мамлакат вакили ўзининг тақдирларини айтди. Уларнинг барчаси ягона мақсадига – туркий тили давлатлар адабиётини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни янада мустақамлаш масалаларига қаратилди.

Меҳмонлар Навоий шаҳар боғида ташкил этилган сумалек сайлида иштирок этдилар, сумалек пишириш жараёни билан бевоқиф танишдилар. Қадим Нуротага таширф буюриб, зиёрат қилдилар.

Анжуман иштирокчилари қатори Анар муаллим ҳам тадбирлар юқори даражада ташкил этилганини, Ўзбекистонда адабиётга нисбатан катта эътибор берилганлигини ҳар бир чиқишида алоҳида таъкидлади.

– Мен Ўзбекистондан жуда бой таассуротлар билан қайтмоқдаман, – деди Анар муаллим. – Мен энг ҳайратга солган ва ҳавасимни келтиргани, бу – Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ёзувчиларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик бўлди. Ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик, унинг фидойи, жонқур раҳбарига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, машаққатли фаолиятида зафарлар тилайман. Президентларимиз Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги дўстлик бундан-да мустақамлансин! Уларнинг дўстлиги халқларимиз дўстлигининг асосидир!

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

козок тилида чоп этилган “Хамса”-сининг тақдироти эса алоҳида кўтаринкилик руҳида ўтди. Қозок шоири Несипбек Аитули бу таржимага ўттиз йиллик умрини бағишлаганини айтди. Бу камтаргина инсон Навоий учун ўттиз йиллик умрини аямаган! Бу иш ҳам туркий халқларнинг бирдамлиги учун маҳобатли хайқалдир.

Яна кадрдон дўстларимиз билан учрашулар! Янги танишулар!.. Бу лахзалар ҳам адабиётимиз, демак, халқимиз учун берогар кетмайди. Чунки бу анжумандаги суҳбатлар ҳам аслида тажриба алмашиш, бир-бирига дарс беришдир.

Хамжихатликда гап кўп. Олтойликларда бир мақол бор: “Бир гул баҳор бўлмас”. Мен бу адабиёт байрамида турфа туркий гуллар очилган баҳорни кўрдим.

Анжуманлар якунида Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари Яшин укамиз, туркий халқлар ёзувчиларининг бундай анжуманини аъъанавий тарзда Навоийда ўтказиш тақлифини айтди.

Меҳмоннавоз ўзбек!
Бу тақлиф ҳам кўнгилга хуш ёқди.

Хуллас, биз Туркий халқлар бирлигида янги босқичга кўтарилдик. Бу кўтариллиш барқарор бўлсин!

Несипбек АИТУЛИ:

БУ — НАВОИЙГА КЎРСАТИЛГАН ЭҲТИРОМДИР

Умрининг қирк йилини Алишер Навоий “Хамса”сини козок тилига таржима қилишга сарфлаган шоир ва таржимон, Қозоғистон Республикаси Давлат мукофотининг соҳиби Несипбек Аитули билан қардош халқлар ўртасидаги адабий алоқалар ва бадий таржиманинг ўзига хос жиҳатлари, улуғ ўзбек шоири меросининг туркий халқлар маънавий оламидаги ўрни ҳақида суҳбатлашдик.

– Ҳар қандай ҳассос шоир ҳам бадий таржима ишига бирдангина ботина олмайди. Сиз қандай қилиб бадий таржиманинг гўзал ва мураккаб оламига кириб келдингиз?

– 1974 йили Қозок давлат (ҳозирги Миллий) университетини тугатдим. Шундан бир йил олдин университетнинг журналистика факультетида ўқиб юрганамда “Балдирган” (“Нихол”) номли болалар журнаliga ишга кирдим. Шу вақтдан бошлаб болаларга шеърлар

ёза бошладим. Менинг бахтимга бу борада козок халқининг таниқли болалар шоири Музаффар Алимбоев устозим бўлди. Жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилиш ҳам журналдаги вазифаларимдан бири эди. Хусусан, Жанни Родари, Сергей Михалков каби болалар ижодкорлари асарларини таржима қилардим. 1984 йили Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасига адабий маслаҳатчи бўлиб ишга ўтганимдан сўнг сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ижодини таржима қилишга киришдим. Шундан кейинги деярли 40 йиллик ҳаётимда Навоийнинг “Хамса”сини таржима қилиб келаман. Илк таржима қилган дostonим “Садди Искандарий” 1989 йили Олмаотадаги “Жазуши” нашриётида алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. 2008 йили қайта чоп этилди. 2019 йили “Лайли ва Мажнун” дostonи билан бирга “Хамса” номида яна қайта нашрдан чиқди. Бунгача, 1991 йили Навоийнинг шеъри Гёте ижодига мансуб “Сайёхнинг тунги қўшиғи” шеърининг таржимасидир. Абай уни немис тилидан эмас, М. Лермонтовнинг рус тилига эркин таржимаси матнидан ўтирган. Учаласини қилёслаб кўринг-чи?! Улардаги сўзлар бир-бирига ўхшамайди, лекин аслиятдаги ўй-фикр сақланган. Бадий гўзаллик сақланган. Баъзан шу шеърни ўқиганда Абайнинг таржимаси аслиятдан ҳам кучлироқми, деб ўйлаб қоламан. Чунки у шеърни козок халқининг тафаккурига яқинлаштириб таржима қилган. Таржимон таржима асарига ўз асаридек муносабатда бўлиши керак. У таржимоннинг ўғай боласи эмас, ўз боласи, ўз фарзанди.

– Адабий алоқаларни, хусусан, қардош эллар ўртасидаги адабий алоқаларни ривожлантиришда бадий таржиманинг ўрни ҳақида нима дейсиз?

– Адабий алоқалар адиблар учун хизмат қилмайди. Адабий алоқалар, аввало, адабиётлар учун, адабиётсевар китобхонлар учун хизмат қилиши керак. Масалан, жаҳон адабиёти намуналаридан Европа, Америка ҳамда таржимада бериб бўлмайди, уни козок ўқиргани қабул қилмайди. Абай ушбу сўзни “таржима тегирмони”да майдалаб эритишди



ва қайта қолипга қуюди. Натигада козочка “тўстаган” деган сўз пайдо бўлади. Шунда оригинал асардаги муаллиф айтмоқчи бўлган ўй-фикри ҳам таржимада аниқ ифодаланмади. Таржимон, аввало, аслият муаллифи нима демокчи бўлганини англаши керак. Масалан, Алишер Навоий кўпинча ўз асарларида бир нарсани тасвирлайди-ю, лекин аслида бошқа нарса ҳақида айтмоқчи бўлади. Таржимон муаллифнинг айтмоқчи бўлган асл фикрини аниқ нишонча ола билсин. Ва албатта, шеърини асарнинг бадийати, поэтик қуввати ва ҳарорати таржимада тушиб кетмаслиги керак. Асарини таржима қилаётган муаллифининг билан мусобакага киришишининг керак. Агар шундай ёзилган экан деб, фақат муаллифнинг этагидан ушлаб юраверсангиз, таржима асари ҳақиқий поэзия, ҳақиқий адабий асар бўлмайди. Масалан, Абайнинг “Қоронгу тунда тоғ қалқиб” шеъри Гёте ижодига мансуб “Сайёхнинг тунги қўшиғи” шеърининг таржимасидир. Абай уни немис тилидан эмас, М. Лермонтовнинг рус тилига эркин таржимаси матнидан ўтирган. Учаласини қилёслаб кўринг-чи?! Улардаги сўзлар бир-бирига ўхшамайди, лекин аслиятдаги ўй-фикр сақланган. Бадий гўзаллик сақланган. Баъзан шу шеърни ўқиганда Абайнинг таржимаси аслиятдан ҳам кучлироқми, деб ўйлаб қоламан. Чунки у шеърни козок халқининг тафаккурига яқинлаштириб таржима қилган. Таржимон таржима асарига ўз асаридек муносабатда бўлиши керак. У таржимоннинг ўғай боласи эмас, ўз боласи, ўз фарзанди.

– Адабий алоқаларни, хусусан, қардош эллар ўртасидаги адабий алоқаларни ривожлантиришда бадий таржиманинг ўрни ҳақида нима дейсиз?

– Адабий алоқалар адиблар учун хизмат қилмайди. Адабий алоқалар, аввало, адабиётлар учун, адабиётсевар китобхонлар учун хизмат қилиши керак. Масалан, жаҳон адабиёти намуналаридан Европа, Америка ҳамда таржимада бериб бўлмайди, уни козок ўқиргани қабул қилмайди. Абай ушбу сўзни “таржима тегирмони”да майдалаб эритишди

уни жаҳон тилларига тўлақонли таржима бўлди, деб айта олмайман. Таржима қилиб бўлмайди ҳам. Масалан, Абай бир шеърда: “Лойқа сувга мой битмас кўй ўтса-да”, дейди. Шунини бошқа тилларга таржима қилиб кўринг-чи, жаҳон китобхонлари тушуна оладими?! Уни фақат козок халқининг ҳаётини, турмуш-тарзини билган китобхонгина тушунади. Абайнинг шеърларини жаҳон тилларига тўлақонли таржима қилиб бўлмайди, дейишимнинг сабаби шунда. Миллий шоирлар, деб аталадиган шоирлар бўлади. Уларни фақат ўз миллатининг вақилларини тушуна олади. Уларни таржима қилганингиз билан асл маъноси чиқмайди. Маъноси ўзгариб, бошқа маъно касб этади. Аслида бундай ижодкорларнинг асарларини жаҳон тилларига таржима қилишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун, аввало, қардош халқлар бир-бирининг адабий асарларини таржима қилиши керак. Чунки уларнинг тарихи, тафаккури, менталитети жуда яқин. Адабий асарлар қардош тилларга таржима қилинса, кўпроқ муваффақиятли чиқади. Менинг қардош ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийни таржима қилишимнинг сабаби ҳам шундадир. Қардош халқлар бир-бирининг адабиётини таржимасиз ҳам тушунади, деган фикрга ҳам мен қаршман. Қардош халқининг кундалик ҳаётда қўлланадиган тилини тушуниш мумкин, лекин адабий тилини-чи?! Унинг бадийати-чи? Шунинг учун қардош халқлар ўртасидаги адабий алоқаларнинг тараккий этишида бадий таржимани ривожлантириш жуда ҳам муҳим.

– Алишер Навоий адабий меросининг туркий халқлар, хусусан, козок халқи маънавий оламидаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

– Алишер Навоий асарлари – туркий халқларнинг маънавий устундир. Унинг маънавий олами уфқи очилгани сари Абай оламининг маънавий фазоси ҳам кенгайиб боради. Биз Абайдаги донишмандликнинг ёркин кирраларидан аксланаётган Навоий даҳосининг нурларини кўрамыз. Алишер Навоий ўз асарларида урушлар одамлар ҳаётини барбод этишини, инсон ҳаётининг мақсади тинчлик-осойишталик эканлигини тараннум этса, Абай ҳам “Одамзоднинг барин севгил, бо-вурим деб!”, дея инсонпарварликка чорлайди. Абайнинг буюклиги Навоий даҳосининг қонуний давомидир. Яъни Абай ўзидан беш аср аввал яшаган Навоийнинг бевоқифа шоғирдидир.

Навоийнинг устозлари “Хамса”сини форсийда ёзган, Навоий эса ўз асарини туркий тилда яратди ва туркий тилнинг адабий тил бўла олишини асослаб берди. Шу боис ҳам Алишер Навоийни туркий халқлар маънавиятининг олтин устунини деймиш. Алишер Навоий – туркий дунёнинг маънавий бирлаштирувчидир.

Турсунали АХМЕДОВ
суҳбатлашди.

ҲАМ ЎЗБЕК ЁЗУВЧИСИМАН

Ватанимизнинг юксак мукофотини ўзбек халқининг ҳам сеvimли ёзувчиси Анар муаллимга тантанали равишда топширди. Анар муаллимнинг ўзбек ва озарбайжон халқлари, умуман, туркий халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлаш борасидаги хизматлари алоҳида қайд этилди.

– Ўзбекистоннинг юксак ордени билан мени тақдирлагани учун Президент Шавкат Мирзиёевга чин қалбимдан самимий ташаққурлар айтаман, – деди Анар Рзаев. – Бу мукофот мен учун қутилмаган ва жуда ҳаяжонли бўлди. Очиги, фармон ўқилганда гоят тўққинлашиб кетдим. Мен бир неча ордонлар, мукофотлар олганман. Аммо Ўзбекистоннинг “Дўстлик” ордени мен учун алоҳида аҳамиятга, қадрга эга. Чунки Ўзбекистонда менинг ўқувчиларим кўплигини биламан ва бундан фахрланаман. Энди мен ҳам Озарбайжон, ҳам ўзбек ёзувчисиман. Бу мен учун шараф.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бекимис ислохотлар олиб борилаётди. Мен бунга 2018 йилда келганимда гувоҳ бўлган эдим. Бу юрда инсон манфаати учун амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ёзувчиларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик ҳар жиҳатдан ўрнатқурсатяпти. Ёзувчилар уюшмаси учун алоҳида бино қурилгани, ёзувчилар учун бир неча қўл қаватли уйлар қурилгани... булар айтишга

осон. Булар ҳақида мен 2018 йилги сафаримдан қайтгач, Озарбайжон матбуотида батафсил ёзган эдим.

Ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар, адабиёт соҳасидаги янгиликлар ҳақида дўстларим, ҳамкасбларим тўққинлашиб гапириб беришди. Навоий шаҳридаги ўзгаришларни кўриб бу гаплар нақадар ҳаққоний эканига ишонч ҳосил қилдим.


Дарвоқе, анжуманларимиз улуғ ўзбек шоири номи билан аталувчи шаҳарда ўтаётгани ҳам теран рамзий мазмунга эга. Зеро, Алишер Навоий нафақат ўзбек адабиётининг, балки бутун туркий халқларнинг фаҳри, маънавий устозидир. Низомий биринчи бўлиб “Хамса” ёзган, аммо у форс тилида битган, Навоий эса илк туркий “Хамса” муаллифи.

Шундан кейин “Ватан манзумаси” адабий-маърифий дастури намойиш этилди. Эртаси кун қатнашчилар Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиб, буюк бобомиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Сўнгра “Яшил макон” дастури доирасида меҳмонлар дарахт экишди.

Навоий вилояти ҳокимлиги биносида ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлигининг биринчи йиғилиши бўлди. Уни ушбу уюшманинг бош котиби Султон Раев бошқарди. Тадбирлар юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига, Навоий вилояти ҳокимлигига миннатдорлик бил-

БАҲОР БҲИМАС

SOY YOZARLAR BIRLIGINING BIRINCHI YIG'ILISHI



мини сўрайди. “Навоий”, дейди ҳамроҳлари. Тўғон ҳамроҳлар саволимни тушунмади, деб ўйлайди. У шоирни эмас, шаҳарнинг номини сўраётгани айтади.

– Навоий, – дейди ҳамроҳлари. – Бу шаҳарнинг номи Навоий.

Адиб бизлар учун кўникмага айланган бу жавобдан хайратга тушади.

– Биз, – деган эди Тўғон анжуманда қатнашаётган туркий халқлар шоиру ёзувчиларига қарата, – шоирларни ардоқлашни ўзбеклардан ўрганишимиз керак.

Мен унинг бу гапларидан ҳозиргача фахрланиб юраман.

Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилаётган бу шеърят фестивалининг Навоийда қарор топиши менга Оллоҳ буюрган ишдай туюлди. Нақадар нозик фаҳм билан ўйланган!

Фестиваль юқори савияда ўтди. Бараварига бир неча йўналишда тадбирлар уюштирилди. Мушоиралар, мулоқотлар қизгин кечди. “Туркий адабиёт дурдоналари” ва ўттиз жилдди “Истиклол даври навоий-шунослиги” мажмуаларининг тақдимотлари ўтказилди. Навоийнинг



Бошланиши 1-саҳифада

Музей жуда қисқа муддатда курилиб, меҳмонларга бағрини очди. Ҷуно йили 14 мартда қарор қилинган бўлса, 18 октябрда музейнинг очилиш маросими бўлди. “Сохибқирон юлдузи” газетаси ташкил қилиниб, унинг илк сони шу тарихий воқеага бағишланди. Наҳорда дастлаб йиғилиш, сўнг миллий удумларимизга кўра ош тортиди. Меҳмонлар дастурхондан турганда кўёш уфқдан энди бош кўтариб, заррин нуруларини соча бошлаган эди. Чунки мамлакат раҳбарининг иш тартиби тигиз, шу кунни Самарқанд ва Шаҳрисабзда ҳам хайкалнинг очилиш тадбирлари бўлиб ўтиши лозим эди. Қандай шуқуҳли кунлар! Бир

ИФТИХОР ДАРСХОНАСИ

кунда уч шахарда тўй, уч хайкалнинг очилиши!

Албатта, музей биносининг тарихи жаҳондаги энг нодир меъморий ёдгорликлардан улги олиб яратилган эди. Айниқса, Аградаги Тож Маҳал обидасининг гўзаллиги, бетимсоллиги ёрқин намуна эди. Кейинчалик ўлчамлар ҳисоблаб чиқилганда, кўп кесмалар шу олий иморат билан ҳаммоҳанг эканлиги маълум бўлди (негаки, санъат йўналиши, рух, қолаверса, дид ҳам муштарак-да). Музей гўмбазининг ички кесими 23 метр, Тож Маҳалда эса 22 метр. Ердан гўмбаз учигача 30 метр, Тож Маҳалнинг ички гўмбазининг баландлиги 32 метр. Аградаги иморат умумий баландлиги 107 метр бўлиб, гўмбаз ички томондан ҳам



(бу бобомизнинг бахтли юлдуз буржиди туғилганига ишора), бахт ва иқбол рамзи – Хумоқуш тасвири ва болалигидан юксак парвозларга шайланганига ишора сифатида лочин сурати. Иккинчи кесм бунёдкорлик фаолиятини ёритишга бағишланган. Унда Сохибқирон қурдирган Шаҳрисабздаги Оксарой ва Самарқанддаги Бибихоним масжиди манзаралари акс этган. Учинчи кесм – абадийлик деб аталган, унда сўнгги тасвир – Гўри Амир макбарасининг сурати берилган.

Шарқона миниатюра санъати намуналарига ўзгача жило бериш мақсадида 20 килограмм олтин суви ишлатилган бу бинога машҳур наққош Абдирахим Умаров етакчилигидаги “Усто” бирлашмасининг

хунармандлари бор санъатларини намойиш этишган. Деворларга зарқалам хаттоғи Ҳабибулла Солиҳ Қуръон оятларини нақш этган. Шунингдек, Темур тузукларидан ибратли хикमतлар дарж этилган. Умуман, музей чинаямига миллий меъморлигимизнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужасам этган, дейиш мумкин.

Музей ўтган йиллар давомида кенг камровли маданий-маърифий марказга айланди. Ундаги экспонатлар сони мунтазам ортиб борди, ҳозир улар 10 мингга чамалаб қолди. Янги галерейлар ташкил этилди. Жумладан, Темурий шаҳзодаларнинг суратлари таниқли расмоларимиз томонидан мойбўёқда акс этирилиб, алоҳида бўлимда жойлаштирилди. Турли илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар учун ҳам энг ўнғай жойи шу ердаги мухташам заллардир. Музейга келувчиларнинг қадами узилмайди. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлат раҳбарлари ҳам музейда бўлишни жуда хоҳлайдилар.

Музей мавқеи илмий доираларда яхши маълум. Унда сақланаётган қимматли қўлёзмалар, нодир буюмлар кўллаб илмий тадқиқотларга мавзу бўлмоқда. Шу пайтга қадар Франция, Германия, Австралия, Ҳиндистон каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ноёб экспонатлар намойиш этилди. Франция ва Нидерландияда Амир Темур ва темурийлар даврига оид фотокўргазма ўтказилди. Музей сайти (temurid.uz) ўзбек, рус, инглиз тилларида ишлаб турибди. Ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда музейнинг тўлиқ виртуал кўриниши яратилди. Унда томоша заллари бўйлаб саёхатга чиқиш мумкин ва экспонатлар замонавий 3D шаклда намойиш бўлади.

Пойтахтимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб турган бино Сохибқирон Амир Темур ва темурийлар шавқатини замондошларимизга ҳикоя қилиб берувчи замонавий ифтихор дарсхонасига ҳар кун миғлаб кишилар келади. Уларнинг кўпчилиги – эртамиз эгалари бўлган мактаб ўқувчилари, талабалар, ёшлар. Балки ана шу ташриф асносида уларнинг қалбига илк бор ўз миллатидан, унинг шонли тарихидан фахрланиш хислари уйғонар, шунчаки томошабин бўлиб келиб, юрт эгасидек бўлиб қайтишар. Албатта, бу кутлуғ масканда бўлиш одамни юксак туйғуларга ошно қилиши, шубҳасиз. Ана шу руҳий қувватнинг тобора тўлишиб ва юксалиб боришини дилдан истаймиз.

Ҳаким САТТОРИЙ

ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА ҲИМОЯСИ

Бошланиши 1-саҳифада

Жумладан, янгилаётган Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Мазкур норманинг белгиланиши ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш оилалар ўз хонадонига эга бўлиши шахснинг ижтимоий барқарорлигини ва ҳаётдан розилик даражасини оширади. Бошпана бўлиб, бандлиги таъминланмаса-чи? Унда фуқаро ҳаётини рози бўлармикан, деган саволга жавобан Конституция-мизнинг 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.

Ҳар ким ишсиз қолганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги мустақамланмоқда. Ҳар бир инсоннинг ишсизлик шароитларига кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамланмоқда”, деган норма киритилган эътиборга лойиқдир.

Иккинчидан, 42-моддага: “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнат учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган таразда адолатли ҳақ олиш, шунингдек музтаби ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатил ва уларнинг иш ҳақини қайтариш тақиқланади”, деган норма қўшилган. Эндилкида ёш келинлар, аёллар, ёш фарзанди ҳамда ҳомилдорлиги учун ишга қабул қилинишининг ҳуқуқий ечим, ҳатто қафолати Конституцияга киритилиши асрий орзу эмасми? Айниқса, 44-моддада белгиланган болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши азиз фарзандларимизнинг шахсий ҳуқуқлари қафолати эмасми?!

Учинчидан, аҳолининг қафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши ҳам лойиҳага кир-

тилмоқда. Умуман, лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар тўрт баробар кўпайтирилмоқда. Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофиза этиш ҳамда аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим роль ўйнашини барчамиз яхши биламиз.

Ижтимоий давлатга хос бўлган таълим соҳасини кўллаб-қувватлаш бўйича янги модда ва нормалар киритилиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Қонун лойиҳасига кўра, таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб икки баробарга ошмоқда. Қувонарли томони, ёшларимиз учун олийгоҳларга давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи қатъий белгиланиши билан бирга, давлат грантларининг ошириб бериши, шунингдек, яна бир эътиборли жиҳати фуқароларнинг бепул бошланғич касб-хунарга ўқитилиши белгиланмоқда. Бу, ўз ўрнида давлат томонидан оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларининг конституциявий қафолатлари мустақамланганлигини аниқлатди. Яна бир томони, фарзандлар тарбияси, уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ҳам ота-она мажбурияти сифатида белгиланмоқда. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи сифатида белгиланмоқда.

Яна бир муҳим янгилик шуки, ногиронлиги бор болажонларимизга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Шунинг учун, бундай имкониятлар инклюзив таълим сифатида Конституцияга киритилмоқда. Бу нуқсонлари бор болаларимизнинг яққаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун жуда муҳимдир. Бу таълимни бизга бериб келаётган устоз-муаллимнинг улуғланиши ва Конституцияда қадрланганини, гуруҳ ва фахр билан айтаманки, янгилаётган Конституциянинг энг катта ютуғидир. Бундай эътироф Янги Ўзбекистоннинг куч ва қудрати таълим-тарбияда эканини устоз ва мураббийларимиз, албатта, чуқур ҳис этган ҳолда, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Фарица МУҲИТДИНОВА,

Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-саҳифада

Беморликка чалинган шох (омонат жон!) сарой донишмандларига ҳаётнинг маъносини тушунтириб беришларини сўраганида улар дастлаб қирқ туя китоб келтирганлари, шох(омонат жон!) фурсати бу китобларни ўқишга етмагани сабабли уларни мухтасар қилиб бир туяга ортиб келишгани, буни ҳам ўқиш имкони бўлмаганидан битта китобга жойлаб келишгани ва бу чокда шохнинг жони бўғзида тургани боис унга “ҳаётнинг маъноси – туғилмоқ ва ўлмоқ” деб, калтагина тушунтириб кўя қолгани ҳақидаги ривоят.

Ҳаёт – туғилиш, ўлиш ва унутилиш. Аммо “камон тортилиб, ўк белгисиз ёқларга учгани” – дунёга келгани заҳотиёқ, инсон тириклик сари, ўлимни тан олмай яшаган интилади. Диана ободатхонасига ўт қўйган Геростратдан фарқли ўлароқ, бу йўлда санъат унга кўмакка ошмади. Қоятошлардаги илк содда чизгиларидан тортиб мураккаб услублардаги намуналаригача унинг қулоғига мангулик кўшигини қуйлашга уринади. Йирок-йирокларда ўтмиш мавҳумоти қаъридан тош ёзувлар кўзга ташланиб қолади, қуламас маснадига жон-жаҳди билан ёпишган мангу ҳукмдор портретидан мангу бўёқлар кўчиб тушиб, унинг ортидан ўткинчи дунёнинг ғариб дайди мусаввири мўралайди.

Қисқа фурсатда – туғилган, ўлган ва унутилган, аслида ким эканидан хабарсизлик ҳаётга санъат ҳодисаларини такқослаб таҳлил қилишга ўч билгиларнинг ўй-хаёлини қанорасиз дашту далаларга, юксак тоғларнинг пурвиқор чўққиларига, тубсиз самоларнинг сир-синоатларига овора эканида уларга доимий панд бериб келади. Бу фақат уларнинг жаноза намозига қатнашганининг ўзи билангина боғлиқ эмаслигини фаҳмламоқ учун эса донолик талаб этилмайди.

Ҳали тупроғи совилаган майит қабри узра кўклаган майса-ғиёҳлар шамолга неларнидир далолат этаётгандек шилқинади. Ўзидан аввал асари ўлган ижодкор жигарбандларининг белгисиз маконларини бу ерлардан излашлар шарт эмас. Қарғиш-дашномларга чидай олмай, боёқишлар балки ўз жонларига қасд қилишгандир?

Дурадгор, тикувчи ва яна бир ҳамроҳ эди улар. Ҳа, сафарга чиқишганди ва тун чоғи ўр-

монда тунаб қолишганди. Уламолар қавлида дунё сафари. Ўрмон ҳам бегона эмас. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, аслида тўрт посдан иборат тунни ўз санокларига биноан учга бўлиб, қуръа ташлаб, иккиси уйкуга кетганида бири қўриқчилик қиладиган бўлди. Дурадгорнинг ошиғи ўнг келмади. У қўриқчиликни бошлаганида уйку голиб кела бошлади. Ухлаб қолмаслик учун у эрмакка бир ёғоч бўлагини олиб, тарошлаб жажжи киз шаклига солди ва қўриқчиликка тикувчининг навбати етганида, уйкуга кетди. Тикувчи қўғирчоқка қуйлак тикиб, қийдириб қўйди. Ва ниҳоят, навбат учинчи ҳамроҳга етди...

Учинчи ким? Биров рухшунос, биров сеҳргар, биров жодугар деб талкин қилади. Ким бўлмасин, нафас пурқаб, у қўғирчоқка жон ато эта олди.

Жон ато этиш ҳоликка хос. Махлук унинг измида тириклик ўрмонида бир тун қўниб, яна мангу маконига равона бўларкан, муваққат қўналгоҳидаги аъмолга биноан ўз амалини бажариб, из қолдиришга уринади. Бу қисқа фурсат қўғирчоқни жонлантириш қудратига эга бўлган илохий зотни таништириб ўтиш имконини яратиш кетади.

Бу Одамхудога Ижодкор деб ном берадилар.

Дон Кихотдан Улиссгача, Дон Жуандан Фаустгача, Қори Ишқамбадан шум бола Қоравойгача – барчаси ҳаётда аввалдан мавжуд бўлган, ўзига жон ато этувчи Ижодкор келишини кутганлардир.

Биров эслаб-биров эсламаган ҳамма катори бу ўткинчилар қошида Ижодкор пайдо бўлиб, улар бошида сеҳрли таёқчасини силқитгани заҳотиёқ боқийликка эришдилар. Сеҳрли таёқча Истеъдод эди.

Турли миллату ирқдаги оддий аҳолидан фарқли ўларок умумбашарийликка мансуб бу инсонлар(обзирлар!) адабий ареал – адабий аҳолини ташкил этишди. Энди улар осмонда кўёш ботмайди, фурсат оқимида оқиб ўтиб кетиш бахтсизлигиндан мангу озоликка эришадилар. Уларнинг яшаш тарзи-ю орзу-умидларига, мақсадига эътибор дилга гўссадан ўзга ёрқинроқ туйғу солишга қодир бўлмаган (“Инна инсаана лафни хуср” – “Ҳар бир инсон эндида(бахтсизликда)дир!” “Аср” сураси, 2-оят.) ўткинчи ҳодисалардан инсоният нигоҳини мангу илохий завоқ билмас юксакликларга қаратиши билан аҳамият касб этади.

Бундай қудрат халққа хос. Ўзи каби халқнинг орзу-умидлари ҳам ҳеч қачон завоқ билмайди. Эски гап бўлса ҳам, такрорлаш ўринлики, халқ хамшигаддек саховат кўрсатиб, қахрамонларига ўзининг ажралмас фазилатлари, яхши хислатлари, руҳи ва жисмоний куч-қувватини сахийлик билан улашишга хамиша тайёр туради. Асил ижодкорлик ҳам халққа хослиги шундан.

Ҳамма катори ўйин ўйнаб, мол боқиб юрган Ҳакимжон Алпомишга дўнганида энди халқ майда-чўйда юмушларни ўзи бажариб туришни зиммасига олган ҳолда, унинг қўлига найза-камон тутказди.

Олинмаган қасослар қахрамонлар қиёфасида намойиш бўлади. Ожизликдан инграган бечоралар Аскартоғ чўққисининг бир камон ўқидан қулаб тўққатганини завқ-шавққа берилганча олқишлайдилар. Ўзларига зулм ўтказаетган золимлардан ҳам мана шу азамат камончи ўч олиб беришига энди астойдил ишонган ҳолда унга камоннинг янама залворлигини танлайдилар. Унга чексиз муҳаббат қўядилар, бошларга кўтардилар, мангу ҳаёт бағишлайдилар. Бу усулдан фойдаланишга уринган сохиби қудратлар ўзларини салтанат тимсоли қиёфасида мангу боқийликларини даъво қилиб, аксинча, нафратга қучдор бўладилар.

Ҳар қандай афсонавий қахрамон қўлидаги найза-камон, миллатидан қатъи назар, тамомила халқиникидир. Унинг мардлиги халқ орзу қилган мардликдир. Унинг жасорати ҳам шундай жасоратдир. У қасос олганда ҳам халқ қасосини олади. Шу сабабли, йўқолиши мумкин бўлган қавмлар ёки нариги дунёга кетишга муваққат этилган бандалар орасида угина ўлим билмайди ва мана шу фазилати билан ўз қавми ҳамда яқинларига руҳан мангулик бағишлайди. Умар Хайём айтган “Дар ин дунё яя работу ду дар аст, Дар ин дунё хар рўз қавми дигар аст” мисраларининг “Бу дунё бир работу икки эшиқдир, Бу дунёда хар кун хар хил қавмдир” иккинчи сатридаги уларнинг биринчи сатридаги уларнинг хамиша тушунаверишмаса-да, бора-бора йироклашиб мавҳумот қарига қатлам-қатлам сингиб кетишса-да, ўз орзу-ниятлари билан жилланганлар қахрамонларига келганда ўзаро тушунмовчилик ва англашмловчиликлар дарҳол барҳам топиб, ундан куч-қувват олишаётганини инкор этишмайди. Ҳар бир ўткинчи қавм уни ўз

Шойим БЎТАЕВ

АДАБИЙ АҲОЛИ

работида истиқомат қилаётганига астойдил ишонади. Бу ишончнинг рўёси муваққатлик ҳақлигидан хамиша устундир.

Кунтуғмишининг даврасидан бўза сипқормок орзуси ўткинчи гап-гаштакларда қайфи ошиб, гандирақлаб юрганларни тўда-тўдаси билан тубанлик бағрига улуктириб юборади. Шунда қай ҳодисалар ҳаёлу қай бири ҳаётлиги юз кўрсатади. Гўрўғли, Равшану Авлазлар ва яна қанчадан-қанча ҳаёлимиздан кўтарилгани билан аслида унутилмас ва ўлмас адабий аҳоли инсонийлик юзасидан бизнинг сифатимизни асл ҳолимиздан кўра анча юксакликларда кўтариб туришади.

Дунёдаги барча халқларнинг бундай адабий образлари бир жойга жамлангудек бўлса, қатта нуфузга эга аҳоли сифатида бўй кўрсатади. Улар ўлим билмаслиги билан “Бу дунёда моли омонат, ўзи меҳмон бўлмаган бирон киши йўқ, уларнинг амалларигина қолур!” деган сўзлар билан кузатиб чўбин отта сувор бўлаётганлардан фарқлики туради. Негаки, улар ўзларига манзил-мароҳил излаганларидан оддий банда каби ҳаёл ўғрилари дашту далаларга, юксак тоғларнинг пурвиқор чўққиларига, на шаккоқлиги туйфайли абадул абад бадарга этилган шайтонни лаин сингари томирлар оралаб оқар қизил сувларга эмас, бўм-бўшлиги ва ғариблиги билан хувиллаб ётган Кўнгли маконига кўр ташлашади.

Тошкент шаҳрида Шум болага хайқал қўйилди. Шум бола хайқали қошига борганимиз заҳотиёқ унинг қачонлардир дунёдан ўтиб кетган, аммо мана шу ўлмас образи туйфайли ўзи ҳам барҳаёт Ижодкорини ҳам эслаймиз. Ўрмондаги ўша ҳамроҳларнинг учинчиси шу киши эмасмикан? Нега бўлмасин? Албатта, шу! У ҳолда дурадгор билан тикувчи қани?

Дурадгор ва тикувчи халқ. Олмонлар оғзаки ижодига Фауст Гётега қадар мавжуд эди. Дон Жуан ҳам шундай – Байронга қадар ҳам

у инглизларники бўлиб келган. Шум бола ҳам шундай. Ўзбек халқ эртақларида Қоравойнинг етимлигидан тортиб сизир ўрнида эшак суйиб қўйгани-ю, қушларга қатик бериб “боққани”гача – қисса сюжетидан баъра-барча деталлар аввалдан мавжуд.

Аслида бу қисмат ҳам тасодифий бўлмай, “етимлик нимадир бизлардан сўра, ўзинчи йилларининг саргардонлиги”ни бошдан ўтказган Ижодкорнинг қўча-қўйларда, бозор-учарларда хору зор ўз сиймосини излаб юргани унда илохий нафасни етиштирган эди.

– Нима қилиб тонг азонда тентираб юрибсан, болам? Нима йўқотган эдинг?

– Даладан тушдим, ота.

– Ҳа, шундай бўлади, болам, Тошкентнинг таргини еган чумчуқ Мақатиллодан қайтиб учиб келади, ота-онанг борми?

Гапни чўзиб ўтирмаслик учун, “Ўлиб кетганлар”, деб қўя қолдим.

– Шунча бўлади. Ота-она деган мўрт келади. Ҳай, зарарсиз. “Яхши бузоқ икки онани эмибди”, дегандек, ўзинг эпчил бўлсанг, ота топиб оласан. Отаки топилади, она деган ўз оёғи билан келади”.

Ўзидан кўра қахрамони узокроқ, балки мангу яшашини ҳис этиб қалам тебратган адибдан бахтиёрроқ зот бўлмаса керак дунёда! Негаки, у табиатига кўра вақт хукмига қарама-қарши бора олиш қудратидан энг аввал ўзи завқланади. Шу сабабдан бўлса керак, дастлабки номи “Довдираш”ни “Шум бола”га ўзгартириб, уни адабий аҳоли орасида аралашиб юришига имкон топиб берган Ижодкор ўзи четланиб, қахрамонга йўл очади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бозорда фақат қахрамон яшаб қолиб, унинг яратувчиси номи исзиз йўқолиб кетади. Муаллифи номаълум асарлар дейишади. Суворийсиз аргумок.

Мухташам асарлар сарлавҳасига қахрамонлар номи чиқарилади. Улар орасида, ҳеч шубҳасиз, Дон Кихот пешкадамликни қўлдан бермай келади. Ҳатто бу адабий қахрамон юрган йўлларга саёхат уюштиришга

ОЛИМЖОН ЎСАРОВ



ВАТАН ТУПРОҒИ

Хар гал қишлоғимга борганим чоғи,
Бир туйғу дилимни титратар чунон.
Болалигим кечган Ватан тупроғи
Тафтидан жўшгайдир томиримда кон.

Бугун вужудимда шижоат, гурур,
Она эл бағрида яна боламан.
Шиддатини инъом этган Булунгур
Сувида сипкориб хузур оламан!

Кўй-кўзи бокқаним қиру адирлар
Майсалардан турфа гилам тўшайди.
Хар гиёҳ, хар майса суюк, кадрдон,
Подачи болалар менга ўхшайди.

Ногахон кўзимда жилва қилар дур,
Бу соғинч ёшим, севинчмикан ё,
Кўнглимга қуйилар илохий гурур,
Менинг юртим танҳо, Ватаним танҳо!

Омон бўл, эй Она маскан, бешигим,
Мен ҳамон боланман, сенга хуморман.
Сенинг дуонг билан бахтга эшлигим,
Сенинг бахтинг кўриб, мен бахтиёрман!

МЕНИНГ БАХТИМ

Мени Мажнун атаб баъзи дўстларим,
Ортиқча мурувват кўрсатар хар дам.
Рост, қалба армон кўп, лек азизларим,
Эрурман дунёда энг бахтли одам.

Бахтлиман – кўлимда ҳамроҳим қалам,
Қалбимда минг орзу хар тонг туғилар,
Суйганим ўша киз тушда бўлса ҳам
Бир даста гул ила нозлиб қулар.

Мени сира ғамгин деманг, дўсту ёр,
Бошимда сарбоним, хур Ватаним бор.

Ёнимда сиз каби дўстларим бисёр,
Юксак давраларда топдим эътибор.

Бахорий боғлари дунёга машхур,
Бахтлар водийсида туғилган бўлсам
Ва юрт соғинчини билмасдан, шукур,
Хар лаҳза элимнинг камолин кўрсам,

Бу менинг бахтимдир, билинг, дўстларим...

БОЛАЛИГИМ

Ўтди қанча ойлари ва йиллари,
Ўтди менинг тенг ярим умрим.
Ортда эса чинқириб қолди
Болалигим – гўзал баҳорим.

Ортда қолди ёшлигим менинг,
Эртақ каби бахтли кунларим,
Юлдузларга орзулар битиб,
Бедор ўтган ойдир тунларим.

Қолди энди хотира бўлиб,
Гулгунчалар терган гул чоғим.
Гулим бир киз кўлида сўлиб,
Қолди менинг гулзорим – боғим.

Остонада мени кузатган
Мунгли кўзлар – бир меҳр қолди.
Ўша қирда – мени узатган –
Болаликдан хотира қолди.

ИШҚ ЎТИ

Ошиқ этсин экан хар зотни Аллоҳ,
Қовургалар синсин юрак зарбидан.
Юз йил фароғатда яшамок гуноҳ,
Бир зум бўлса қийнал хижрон дардидан.

Надир кўзёш ва ғам, завқ ва шавқни ҳам
Билар фақат ошиқ бўлган бандалар.
Гар бўлса дунёда севгисиз одам,
У ҳам қабрларда ётган мурдалар.

Тангрим ёр васлига етказса ногоҳ
Абасдир мен учун жаннатга ҳавас.
Ёрим яшар уйни этгум саждагоҳ,
Мен энди Мажнунман, Олимжон эмас.

Ишқ ўти жаҳаннам ўтидан оғир,
Бошимдан кечирдим фарёд этмайин.
Хар не ишга ёлғиз Аллоҳим қодир,
Балки энди менга жаннат ҳам тайин.

АЖР

Йиғирма йил кутдим тунлари бедор,
Тангрим васлинг охир айлади ато.
Не бахт, ёнимдасан, қувончдан, дилдор,
Исминни унутиб қўйганман, ҳатто.

Бугун хиром этур дунё мен учун,
Бошимдан нур сочур ишқнинг офтоби.
Биламан, қачондир ўлдирар бир кун,
Шу қайнок бўсаннинг қийнок азоби...

БАҲОР ҲАЗОНЛАРИ

Биз кезган боғларда ҳазон тўшалган,
Энди бунда ҳоким қушлар галаси.
Олмаларнинг хидин ўғирлаб кетган,
Қачондир, сездирмай тун шабадаси.

Саждага чўзилган қўллар сингари
Хаёлчан тебранар яланғоч шохлар.
Қўшилиб йиғлайди босганим сари,
Ҳазонмас – орзудан тул қолган охлар.

Елкамда зил-замбил хаёллар тоғи,
“Буларнинг барига ўзим гуноҳкор”.
Оҳ, бу не кўргилик. Шу кузак чоғи
Йўлақларда бесас йиғлайди баҳор.

Ҳазонзорга ўхшар дунё, чамамда,
Мен энди ёлғизман,
топганим фақат –
Қачондир кесилган бир тўнка ҳамда
Етимликда йиғлаб юрган муҳаббат.

ҚАЙТМАС КУНЛАР

Бегонам, термулманг, зинҳор сиз ортга,
Мен энди кетарман – тин олсин юрак.
Ахир муҳаббати сўнган йиғитга,
Айтинг, бу дунёда яшаш не керак?!

Бевафом, не қилай, унутгум сизни,
Висолга етибдур қай Мажнун, қачон?
Такдир ё Тангримас айирган бизни,
Кўксимга из босди сиз кетган қарвон.

Илоҳам, қайгурманг, энди мен учун,
Мен ишқнинг кўз ёшин ичиб ўламан.
Қабримга гул қўйган авлодга бир кун
Шеърлари йўқолган шоир бўламан.

Оққушлар ўғирлаб кетар армонни,
Тонглар ҳади этар минг орзу-хаёл.

Ўшанда Сиз ваъда қилган ўғлонни,
Менга инъом этар бир бахтли аёл.

Ҳаммаси изига тушади такрор,
Ҳазонлар ҳеч қачон кўшиқ айтмайди.
Қайтади бахтларим, қайтади баҳор,
Фақат сиз-ла кечган кунлар қайтмайди.

ҚАЙДАСАН

Охларни сипкордим осмонни кучиб,
Қувондим андуҳлар дарёсин кечиб,
Қуйладим булбулнинг кўз ёшин ичиб,
Қайдасан, қийнама хаста юрагим,
Хотирага она бўлган малагим.

Осмондек бағримни чакмоқдек тилдинг,
Кўзёшим самога юлдуздек илдинг,
Рухимни девона шамоллар қилдинг,
Келмадинг, кибри ҳам само, керагим,
Ойга сингил бўлган танҳо малагим.

Термулиб ишқимнинг кўзи толмади,
Бағрим ёниб-қуйди, қули қолмади,
Бахтим садқа қилсам, ҳеч зот олмади,
Армонга ёр бўлди эзгу тилагим,
Мени Одам этган Ҳаво малагим.

ҚАРОКЎЗ МАЛАК

Келгин, эй табибим, қарокўз малак,
Жонимни олмасдан бу дарди хижрон.
Бунчалар қийнадинг, сочи жамалак,
Қилмоқчи бўлдингми севгим имтиҳон.
Магарки, қалбимни билмоқ истасанг,
Бир умр мафтуннинг – кўзларимга бок.
Унда хижрон билан қилар баҳсу жанг,
Сенинг ишқинг ила мунаввар қарок.

Келгин, эй табибим, қарокўз малак...

ФАЛАКНИНГ ГАРДИШИ

Фалакнинг гардиши яғир қифтимга,
Оғрикли, ўкинчли тиг бўлиб ботмиш.
Қалавам сизгаимин мўъжаз қафтимга,
Оймомо ёғдуси тонг бўлиб отмиш.

Намсиз киприқларим тортқилаб боғлар
Изтироб, армоннинг қарокчилари.
Зил-замбил бошимни кундага чоғлар
Сочим тараб гуноҳ тароқчалари.

Умр дафтариимнинг бўш варақлари
Оққушдек чайқалиб учдилар бир-бир.

Эй воҳ, қачин урган дарахт сингари
Бесамавр этдими умримни тақдир?!

Йўқ-йўқ, зинҳор қисмат қули эмасман,
Не деса ҳукмини жо-бажо этган.
Мевасиз дарахтдек ҳазон бўлмасман,
Ҳаёт чашмасига илдизим етган...

БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди!... – хабар қилар бойчечак,
Ажиб тўйхонага айланар дунё.
Ҳовлидаги бир туп ўрик – келинчак,
Оппок либос кийиб нозланар гўё.

Баҳор!... – новдаларда кўз очар куртак,
Чинқиринг унинг – момақалдирик.
Юлдузларга балки сўзлайди эртақ
Қисматдошим менинг – лолақизгалдоқ.

Баҳор келаяпти!... – адирларда ҳам
Майсалар унади, йўқолар изим.
Юрак сирларимдан оғоҳ тор хонам,
Фақат бир суратга термулар кўзим.

Баҳор келаяпти!... – чуғурлашади
Тепамда айланиб бир жуфт қалдиғоч.
Сўнгги сиримни ҳам ўғирлашади,
Бағрига илк сирим ўйган қайрағоч...

Баҳор келаяпти!... – қўчадан бир тўп
Тўпори болалар ўтди югуриб.
Кўксимда нимадир узилди шу топ,
Суратидан юзим олдим ўғириб.

Баҳор! Келаяпти... қошки қараса...
Қўлида адашим – қарокўз ўгли.
Ёнида қаддини гоз тутган эса,
Собик хат ташувчи ўртоғим – ўғри...

ОНАМНИНГ СУВРАТИ

Титроқ қўлларининг мўъжаз қафтида,
Тарам-тарам қараб ётади шудгор.
Рангини йўқотган рўмон остида,
Қумушдек товланар бир тутам оқкор.

Қиртайган кўзлари – қуриган булоқ,
Кўёш ҳам уялар қараган кези.
Интилган орзуси юлдуздан йироқ,
Юзида чизиклар – темир йўл изи.

Хар куни из солар ташвиш ишчиси,
Кесишиб-кесишиб кетган бу излар.
Бекатсиз излардан шошиб ўтади,
Вагон-вагон армон ортан поездлар.

ОРЗУСИ

иштиқмандлар сони ҳам кўпайиб боради.
Дон Кихот юрган тарихий йўллар. Дон Кихот
қалтак еган тарихий жойлар. Дон Кихот
мағлубиятга учраган тарихий жанг майдони.

Очликдан силласи қуриган хаёлпараст қалам-
каш ғалати идеалго образини қамқоҳона-
да ўтириб яратгани инкор учун етарли эмас,
хар қандай нафас олаётган индивиддан кўра
Дон Кихотнинг мавжудлиги ишончлироқдир.

Адабий аҳоли орасида ҳам худди оддий
хаётдаги каби турли феъл-атвордаги, турли ёшдаги
инсонлар яшайдилар. Улар ҳам турмуш ма-
шакатларидан азият чекадилар, адолатсиз-
ликларга дуч келдилар, ҳақсизликлардан
буғилдилар. Хатога йўл қўйиб, изтироб че-
кадилар, ибодатга берилдилар, тарқи дунё
қиладилар – фарқи шундаки, улар ўзларини
қанчалик оддий ҳаётдаги оддий одамлар каби
тутсалар, обрў-эътиборлари шу қадар ошиб,
умрлари ҳам шунга мутаносиб узайиб бора-
веради. Шунинг учун, ўзимизнинг жайдари
Қоровой ҳам адабий аҳоли даврасидан ўз ўр-
нини топиб, бемалол бориб ўтиради. Унинг
яланг оёғи, кир усти боши, оч қорни, кўз ёши
хашаматли давранинг салобатига узукка кўз-
дек ярашиб тушади. Адабий аҳоли даврасида
эмин-эркинлигидан қулар ўзларини хўжа-
лардек туттишади, шохларни эса поймакка
тушириб қўйишдан ҳам тойишмайди. Марк
Твеннинг “Шоҳ ва ғадло” асаридан бу манзара
ажойиб турзда акс этган. Шу маънода, адаби-
ёт харамларда маҳрамликни бўйнидан соқит
қилади. Хукмдорлару таниқлилар сиймолари-
гагина мурожаат қилиш маъсулиятини зимма-
сига олмайди. Инсонни ажратмайди. Подачи
бўладими, сувчи бўладими, ҳоким бўладими
– барчасига бир хил назарда қарайди. Бундай
озодлик туйғали мана шу қатламлар сафидан
улар ҳам чиқиб келишади. Ўшаларга қараб
халқ ёки миллат бўй-баста чамаланади. Бун-
дай саодатни сотиб олишнинг имкони бўлма-
гани каби у сотилмайди ҳам. Адабий аҳоли
минтақалари ички тартиб-низомига кўра, ин-

сон озодлиги барқарорлиги шу тарихи таъ-
минланади. Адабиёт бу ҳолда қароғатчи ва-
зифасини бажаради. Бу илохий минтақанинг
турли гўшаларида хайкаллар, расмлар тимсо-
лидаги инсонлар истикомат қилсалар-да, Сўз
санъати яловбардорлигича қолаверади. Сўз
ибтидонинг яратувчиси бўлгани каби интихон-
нинг якуновчиси ҳамдир. Кино, сериал каби
турли технологик соҳалар чучмал образлари-
ни ювуқсизлиги туйғалии бу сафлардан хайлаб
чикарадилар. Улар Адабиётга суяниб бирон
бир натижага эришиш мумкинлигини ҳис
этиб туришса-да, тижорий сўқмоқларда бу ис-
такни йўқотиб қўйганларини ўзлари ҳам пай-
қамай қолишади. Илохийлик қора нафедан
жирканибгина қолмай, уни ўзининг ҳалол-по-
киза худудларига яқин йўлашига изн ҳам
бермайди. Ҳаётга тааллуқли ялакат қонулар
санъатга нисбатан хамиша ҳам уйғунлик қасб
этайди.

Йўлчи, Қаландаров, Саида, Обид кетмон
деб аталган адабий аҳоли ўзлари билан замон-
дош ҳаёт одамларини қабрларда қолдириб, ўз-
лари шикастсиз бугунги кунга етиб келдилар.
Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий бу-
гунги кун одамларига уларнинг ўтмишдош-
лари қандай қиёфада бўлганини кўрсатиб бериш
орқали хизматларини давом эттирмақдалар.
Бугун ўтмишга айланганида эса, ота-боболари
хаёти ва қиёфасини сарғайиб улгурган сахи-
фалардан келгуси авлодлар қидиришга ҳақли
бўладилар. Бу борда адабиётдан ўзга ҳеч нар-
са уларга жавоб бера олмайди. Тарих дейсиз-
ми? Маълум бир доиралар буюртмаси ва маъ-
лум шахслар хоҳиш-иродасига кўра тарих қай
тарзда ўзгартирилиши мумкинлиги мисолини
узукка бориб ўтирмай топиш қийин эмас. Тарих
ва тарихий шахслар доирасида хар қандай гу-
руҳ ўз манфаатидан келиб чиқиб фойдаланиш
имконига эга – бугунги кунни ҳаққоний тарзда
кўрсатиш вазифасини зиммасига олган адаби-
ёт ҳақида ундай деб бўлмайди. “Ўтган кунлар”,
“Меҳробдан чаён”, “Эсдаликлар”, “Ўтмишдан
эртаклар” каби бадий асарлар тарихийлиги
адолати замонга қараб ўзгаришга мойил тарих
фани ҳақиқатидан хамиша устундир.

Кўчирчоқка жон ато этилмаганида у ўша
ўрмонда, ўша биродалар тунанг жойда қолиб
кетарвер эди. Унинг тундида тонг отмас эди.
У ўрмондан юриб чиқиб келди ва одамларга
аралашди. Унга ўтмишда нафас ато этган зот
бутун борлиги билан бугунниқидир.

Яқинда вилоят театрларидан бирининг
репертуари борасида шу масканинг адабий
эмакдоши билан суҳбатлашиб қолдим. У шу
кунларда театрда ўзбек драматургларининг
замонавий асарларига деярли ўрин берил-
магани ҳолда, асосан “Ричард III”, “Қирол
Лир”, “Отелло”, “Уйланиш” сингари жаҳон
мумтоз драматургияси намуналари сахна-
лаштирилаётганидан ёзғириб қолди.

– Бунинг нимаси ёмон? – дедим ажаблан-
ган ҳолда. – Сиз айтган асарлар умумин-
соний қадриятларни акс эттиришини тан ол-
майсизми?

– Нега тан олмас эканман? – адабий эмак-
дош бироз асабийлаша бошлади. – Тан ола-
ман, аммо...

– Унда гап нимада?

– Бизнинг бугунги ҳаётимизни ким акс эт-
тиради? – деди у данғалига кўчиб. – Ўша сиз
айтаётган умуминсоний қадриятларга биз қан-
дай улус қўша оламиз? Ҳозирда сахналашти-
рилаётган бу асарларни бошқа мамлакатлар
театрларига ҳам бориб томоша қилиш мумкин.
Аммо бизнинг ҳаётимизни бошқа мамлакатлар
ижодкорлари келиб ёритиб беришмайди.

Мен уни тушунгандек бўлдим. Ҳа, санъат
ҳаёт ҳодисаларини барча ташвишу қувончла-
ри билан олиб чиқар экан, ҳаётнинг мана шу
ўткинчи лаҳзасидики ўткинчи инсонларнинг
тақдир орқали ўз адабий қаҳрамонларини
мангуликка муҳрлаш даъвосини қилади. Бу-
гунги муаммолар эртага ҳал бўлади. Дикки-
нафаслик шодиеъналикка айланади. Дунё тарқ
этилади. Ҳаёт ўтади. “Меҳмонлар оломони
қиёфасини йўқота бошлади. Фрак қийган эр-
қаклар ҳам, яланғоч аёллар ҳам тутдай тўки-
либ чирий бошладилар. Маргаританинг кўзи
олдида бу чириш бутун зални қамраб олган
эди, ҳамма ёқни даҳма иси қоплади. Устунлар
қулади, чироклар ўчди, ҳамма нарса қовжи-
раб ғойиб бўла бошлади, фавворалар ҳам, ло-
лалар ҳам, камелиялар ҳам кўздан йўқолди”.
Шунақа бўлади. Аммо адабий аҳоли томо-
нидан улар тикланиб, ҳаёт бардавомлигини
таъминлаб беради. Уларни ажодлару авлод-
ларни боғлаб турувчи занжирни улаб турувчи
пўлат халқаларга менгзаш жоиздир, балки?

Ҳоҳ оғзаки ижод, ҳоҳ ёзма жиҳатдан олиб
қарамаг, ўзбек адабиётида асрлар давомида
бекиёс янги-янги дурдоналар пайдо бўлиб,
улардаги адабий аҳоли қатта нуфузга ташкил
этиб борганини кузатиш қийин эмас. Бус-бу-

тунича халққа тегишли бўлган ҳазина барча
эшиқларини бундан баҳраманд бўлмоқчи
бўлганларга кенг очади. Бир маҳаллар ака-
демик Н.И.Конрад Алишер Навоий ҳақида
“Асарларининг қаҳрамонлари турфа-турфа:
Фарҳод – хитойлик, Шопур — форс, Ши-
рин – армени, Қайс – араб, Искандар – юнон
бўлган шундай буюк шоир ўзбек халқининг
шоири бўлиб қолди”; “Қадимийликнинг тил-
га олинган барча буюк одамлари Алишер
Навоий асарларида иштирок этадилар ва ҳа-
ракат қиладилар. Алишер бунда ҳам ўзининг
ажойиб даври одамидир”; “...Искандар ўлди.
Унинг ўлимолди қилган васиятига кўра дафн
этиш учун унинг жасадини у яхши кўрган
Миср Александриясига олиб кетадилар. То-
бутда олиб кетишади. Тобутдан эса ховучи
очиб бир кўли чиқариб қўйилади... Бу кўлда
ҳеч нарса йўқ. Очиб ховучли осилиб турган
бу кўл — хайратомуз кучга эга бадийий тим-
солдир. Агар Алишер биринга шу тимсолни
яратганида ҳам биз барибир қаршимизда
даҳо шоир турганини англаган бўлар эдик”
сингари фикрларни юксак минбардан туриб,
фахр ва ҳаяжон билан сўзлаган эди.

Уяна, Тристан ва Изольда, Уста ва
Маргарита каби турли халқлар
адабиётида яратилган образлар-
нинг ўлими ва муҳаббати ҳақида фикр юри-
тиб, бу адабий аҳоли давраси тўридан Али-
шер Навоийнинг Лайли ва Мажнунига жой
беради. “Жонониға ул фидо қилиб жон, Бу
жон берибон нечукки жонон”.

Агар дунёи дуннинг ички зиддиятлари,
шахсий изтироблари буюк шоир яратган ада-
бий аҳоли вакиллари орқали намоеён бўлмага-

Адиб ва жамият

нида, хар қанча донишмандона гап айтганига
қарамай, Алишер Навоий жаҳон аҳли эътибори-
ни бу қадар тортмаган бўларди. Унинг жо-
зибадорлиги ўз мутафаккарлиги ўлмас ёдгор-
лигини истейдоддан таваллуд топган адабий
аҳоли орқали намоеён эта олганидадир. Дониш-
мандликка йўғрилган истейдод нафасидан жон
олган адабий аҳоли давраси ўз маконида – хар
биримизнинг Қалбимиз тўрида. Улар бизга
нималар демокда? Улар бизни қайси йўллар-
га чорламоқда? Бу мангу зотлар биз ўткинчи
бандаларга нималар дея сабоқ бермоққа интил-
моқда? Қандай муносибликни номуносиб, қан-
дай номуносибликни муносиб кўришмоқда?

Шу жойда нукта қўйилса ҳам бўлар эди.
Чинми-ночинми билмадим, аммо ижод аҳли
ўртасида машхур бир хангома ёдимга тушиб,
хулоса қилишга ошқмадим. Ўтган асрнинг
ўттизинчи йиллари ўрталарида Шўро даври
адабиёти энди-энди оёкка тураётган даврда
олисади нажот қалъаси – Масковдаги қат-
та адабий бир йиғинда образлилик масала-
си муҳокама қилинадиган бўлиди. Бизнинг
адабий салафларимиздан ҳам ўша анжуманда
вакиллар иштирок этишган экан. Сўз навбати
келганда, улардан бири минбарга кўтарилиб
қўлини паҳса қилганича тантанали нутқ ирод
этибди: “Биз кеска авлод образ-побраз нимали-
гини билмаймиз, бунақа гаплар билан ишимиз
ҳам йўқ, ниманики буюришса шунга тўғри-
дан-тўғри қарсиллатиб ёзиб бераверамиз!”.

Ҳоҳ ҳаётий, хоҳ адабий жиҳатдан олиб
қараганда, биз уларнинг шонли авлоди
эмасимиз?

Тахририятдан: *Истиқлол даври ўзбек адабиёти қисқа фурсатда катта
йўлни босиб ўтди. Адабий жанрларда сезиларли ютуқларга эришилаётганини
шоиру носирларимиз томонидан битилган асарларнинг турли-туман хориж тил-
ларига таржима қилиниб, дунё бўйлаб тарқалаётгани ҳам далолат этади. Қо-
лаверса, кейинги йилларда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ижод аҳлига
хар жиҳатдан кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берилаётгани бироз
нафаси сиқилиб қолгандек туюлган адабий жараённинг яна жонланиб, гурқира-
шига турки бериб юборди, десак ҳам янглишмаган бўлаамиз. Шунга қарамай, за-
мондошларимизнинг, бугунги кун одамларининг тўлақонли образларини яратиши,
муаллиф таъкидлаганидек, уларни адабий аҳоли даврасига олиб кириш борасида
ҳали қайноқ илҳом лаъзаларига муҳтожлик сезилаётгандек. Шундай эмасми? Бу
борадаги фикр-мулоҳазаларингизни қутиб, уларни жамеатимизнинг келгуси сола-
рида ёритиб боришни ният қилган ҳолда Сизни маъруз мавзусида адабий
баҳсга чорлаб қоламиз.*

Ўзбек ва турк киножодкорларининг энг катта лойиҳаси бўлган “Мендирман Жалолиддин” сериалининг иккита фасли ярим “экиш”, ярим тарихий драма жанрида тасвирга олинди. Бу сериал халқимиз томонидан узоқ кутилган эди. Мухими шундаки, лойиҳа раҳбари, Президент Администрацияси Ижро этувчи аппаратининг Коммуникациялар ва ахборот сиёсати бўйича шўба мудири Саида Мирзиёева, гоа муаллифи ва продюсер, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги Озодбек Назарбеков ҳамда “Бўздаг фильм” кинокомпанияси раҳбари, сериал продюсери Меҳмет Бўздаг ҳамкорлигида яратилган “Жалолиддин Мангуберди” сериали кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Куйида фильмининг суратга олишда қатнашган таниқли ўзбек актёрларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Жавохир ЗОКИРОВ, актёр: – Бошида видеосериалдан ўта олганман. Чунки кийимларни ниҳоятда қаттиқ боғлашганидан нафас ололмай қолгандим. Аввалига Султон Оловиддин ролига таклиф этишганди. Бўлмади. Кейин эса Чингизхон ролини беришди. Бир ойдан кейин Туркияга жўнаб кетдик. Ўшанда тахминан бир йил бу гўзал юртда қолиб кетамиз, деб ўйламаган эдик. Тасвирга олиш жараёнлари турк тилида олиб борилди. Сценарий ҳам турк тилида ёзилган эди. Шунинг учун барча сўзларни ёдлаб олишга тўғри келди. Бундан ташқари, чавандозликни, жанг санъатини ҳам ўргандик. Тайёргарлик жараёнида жуда кўп китоб ўқидим, Чингизхон ҳақидаги манбалар билан танишдим. Хитойликлар ишлаган ўттиз бир сериядан иборат сериалини ҳам кўрдим. Очиги, бу менга катта ёрдам берди. Шу сабаб роль ижро этмадим, балки бу роль билан яшадим.

Режиссёр ва продюсер Меҳмет Бўздаг ўз ишининг устаси эканига ҳар кунги иш жараёнида гувоҳ бўлардим. Бир неча мисол келтирмакчиман: дастлаб Туркияга борганимизда пандемия авж олган, мехмонхонада қачон сўрамоқ бўлишини кутавериш чарчаган эдик. Ҳатто баъзилар кетишга ҳам тушиб қолди. Шунда Меҳмет Бўздаг келиб ҳаммамизнинг кўзимизга бирма-бир қараб қикди ва “Ҳа, менга айнан мана шу ҳолатингиз керак эди. Энди суратга олишни бошласангиз ҳам бўлади. Чунки сизлар ижро этаётган қахрамонлар неча йиллаб уйдан, бола-чақасидан узоқда, ватанидан йироқда жанг олиб боришган. Сизлар ҳам ана шундай кайфиятни бошингиздан кечиряпсиз”, деди. Яъни Меҳмет Бўздаг ролимизни табиий ижро этишимиз учун бизга шариот яратган эди. Сериал устидаси иш жараёнида тушундимки, турк сериаллари ижодкорлари ҳар бир асар устидаси гўё ўз иши билан сўнгги маротаба шугулланаётгандек иштиёқ билан ишлайди. Ишлаганда ҳам

фидойиларча ишлайди. Шунинг учун турк фильмлари барчага ёқади.

Тоҳир САИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист: – Агар мендан киноактёрлик нима, деб сўрашса, бу – кўзлар жангидир, деб жавоб берган бўлардим. Санъатда иккита йўналиш

«МЕНДИРМАН ЖАЛОЛИДДИН» тарихий сериал таассуротлари



мавжуд. Кўргазма санъати ва кечинма санъати. Биз кўпроқ кечинма санъатига урғу берамиз, чунки Станиславский усулини бизга шундай ўргатишган. Турк ижодкорлари эса кўпроқ кўргазма санъати техникасини ўзлаштиришган. Орадаги фарқ шунда. Биз ҳиссиёт ва қалб билан ижро этамиз. Турк актёрлари намойиш этиш санъатини ифодалашга ҳаракат қилишади. Тасвирга олиш жараёнлари пайтида бир неча ой Туркия мехмонхоналарида яшадик. Кечки пайт иш тугагандан сўнг туркиялик ҳамкасбларимиз кўпин-

ча хонамизга ширинлик ва совға-саломлар олиб келиб: “Сизлар қандай қилиб “Йиғла” деганда йиғлаб, “кул” деганда бирданига кулишни кўрсатиб берапсизлар? Техникаси қандай, сирини тушунтиринг”, деб сўрашарди. Биз бу Станиславский системасининг алифбоси эканини,



институтда шундай ўқитилишини айтиб бердик. Бу борада соатлаб суҳбат қурган кунларимиз бўлди. Масалан, камера ёнида режиссёрдан “Йиғла”, деган буйруқ келганида, ҳаётингдаги энг оғир дамини эслайсан, бу, айтилайлик, жинилариндан ажралган кун бўлиши мумкин... айна дам ўша ҳолатдаги изтиробингни ёдга солади. Ёки ҳаётингдаги энг қувончли воқеани эслайсан. Ўз-ўзидан юзингда хурсандлик пайдо бўлади. Демак, йиғи ҳам, кулги ҳам ўз-ўзидан куюлиб келаверади. Мендан: “Нега туркларнинг ижросида кўзлар жанги йўқ?” деб сўраясиз. Шунчаки ўзини намойиш этиш бошқа, оғрикни етти томириндан ўтказиб, сўнг ижро этиш бошқа... Шунинг учун ҳам аксарият турк актёрларини моделларга ўхшатаман. Қадди-қомати келишган, юриши бадавастир, чиройли кийимлар кийиб хиром айлашни жойига қўйишади. Лекин кўзида ўша воқеа-ҳодисаларга теглиши бўлган нур, муносабат сезилмаса, бу экранда аниқ кўриниб қолади. Жалолиддин ролига турк актёрининг таклиф этилгани яхши, албатта. Лекин профессионал санъат вакиллари кўзи билан қараганда турк актёри Эмре Қивилчимнинг ижроси Жа-

лолиддиндан узоқлиги сезилиб қолади. Жавохир Зокиров, Райхон Уласенова, Раёно Шодиева, Юлдуз Ражабова каби актёрларимизнинг турк актёрларидан ўрганган жиҳатлари бўлди, туркларнинг ҳам биздан ўрганганлари кўп эди... Бу ўзаро тажриба алмашиш лойиҳаси бўлди. Мен эса ушбу сериалда Низомулмулк ролини ижро этдим. Турли манбалардан бу вазирнинг шахсини ўргандим, иложи борича рост ижро этишга ҳаракат қилдим.

Актриса Райхон Уласенова бир интервьюсида турк актёри Эмре Қивилчим ҳақида гапирди: “Ана энди сериалнинг иккинчи фаслига келиб ўзбекча ўхшаб ўйнай бошлади”, деганди. Бу тўғри фикр, балки улар биздан, биз эса улардан ўрганган жиҳатларимиз таъсир этгандир.

Бу сериал ҳақида турли фикрлар айтилаётган бўлса ҳам, туркий дунё учун жуда муваффақиятли лойиҳа бўлганини вақтлар ўтиб англашимиз балки... Орадан бир неча йиллар ўтар, бугун сериалга танқид кўзи билан қараётганлар кўзларига суриб томоша қилишади ҳали.

Буюк аждодимиз Султон Жалолиддин Мангубердининг нафақат Ватанимиз, балки бутун Шарқ оламида, шунингдек, жаҳон тарихида туганган ўрни ҳақидаги ушбу фильм улуғ саркарда ҳақида яратилмажак фильмлар ва сериалларнинг дебоҳаси. Жалолиддин Мангуберди сиймосига кино ва театр ҳамда бошқа соҳа ижодкорлари ҳали қайта-қайта мурожаат қиладилар, деб ўйлаймиз. Зеро, буюк шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳамма вақт очилмаган қирралари билан ижодкорларни оҳанрабодек ўзига тортаверади.

Шоҳсанам ХИДИРОВА

Гул кўп, чаман кўп



ДОСТОЕВСКИЙ ПУШКИНГА ВА ОНАСИГА МОТАМ ТУТГАН

Достоевский ёшлигида бир ой ичида юз берган икки йўқотиш – ўз онаси ва Пушкин вафотидан бениҳоя ғамга ботган: 1837 йил 29 январь (10 февраль)да шоир ҳалок бўлган, 27 февралда ёзувчининг онаси Мария Федоровна оламдан ўтган. “Агар ўз оиламизда мотам бўлмаганда ҳам мен отамдан Пушкинга мотам тутшим учун изн сўраган бўлардим”, деб ёзди Достоевский.

Орадан икки йил ўтиб, 1839 йилда отаси ҳам оламдан ўтади ва 17 ёшли талаба етим қолади.

ЭНГ ЯҚИН КИШИСИ — АКАСИ МИХАИЛ

Михаил (1820–1864) укаси Фёдор Достоевскийдан бир ёшгина катта эди. Улар деярли тенгдошлигидан ташқари, иккиси ҳам китобсевар, қолаверса, ёзувчи бўлишни орзу қиларди. Ниҳоят, иккиси ҳам таниқли адиб бўлиб етишди. Михаил Михайлович кисса, ҳикоя, драма, шеърлар ёзди, немис ва француз адабиётидан таржималар қилди. Унинг асарлари пойтахтдаги журналларда мунтазам босилар, танқидчилар маъқуллашар, пьесалари Петербург ва Москва театрларида намойиш этиларди. Гёте дostonлари ва Шиллер трагедиялари унинг таржимасида бир неча бор қайта нашр этилади.

“ОТИБ ЎЛДИРИЛСИН!”

“Петрашевчилар” иши бўйича судланган Достоевскийга Ҳарбий-суд комиссияси чиқарган ҳукм шундай эди.

Ёзувчи 1840-йилларда Петрашевчилар тўғрисида кириб қолган эди. Бу ерда крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиш, матбуот эркинлиги, ислохотлар ўтказиш сингари турли долзарб масалалар муҳокама этиларди. Фёдор Достоевский тўғрисида Белинскийнинг таъкиқланган хатини ўқиб бергани учун ҳибсга олинган.

Қатл маросими саҳналаштирилгани, маҳбуслар қаторга ишларига юборилишини сўнгги дақиқада айтишади. Ёзувчи ўлимга ҳукм қилинган кишининг қалбидан кечган туйғуларини кейинчалик “Телба” романида тасвирлайди.

26 КУНДА ЁЗИЛГАН РОМАН

Фёдор Достоевский қарзлари кўпайиб кетгани боис янги роман ёзиб бериш бўйича шартнома имзолайди. Бу келишув шартига кўра, у тайёр қўлёзмани 1866 йил 1 ноябрдан бажарилмаса, ношир ёзувчининг барча асарларини 9 йил давомида қалам ҳақи бермай нашр қилиш ҳуқуқини қўлга киритарди.

Ёзувчи “Жиноят ва жазо” романини ёзишга шўнғиб кетганда мазкур шартнома ёдига тушиб қолади. У зудлик билан моҳир стенографист қиз Анна Сниткинани ёллади. Хорижий саёхатлари давомида олган ҳаётини тажрибалари асосида 4 – 29 октябрь кунлари янги “Қиморбоз” романини айтиб туриб ёздирди. Асар ўз вақтида топширилади ва орадан бир ҳафта ўтгач, Достоевский Анна Сниткинанинг қўлини сўрайди.

ДОИМИЙ ҚАРЗДОР

Достоевский бир босма табоқ қўлёзмасига 150 рубль олар эди. Таққос учун: шу ҳажмдаги қўлёзмаларига Толстойга 500 рубль тўлашарди. Ҳисоб-китоб масалаларида Достоевский жуда нўноқ бўлган: кирим-чиким дафтери юритмаган, пул жамғаришни билмаган. Ҳар доим қарз билан яшаган. Тўлик ишонч билан айтиш мумкинки, агар иккинчи хотини Анна “иктисодий сиёсати”ни йўлга қўймаганда (эрининг ўзи шунини сўраган), Достоевский қашшоқларча ҳаёт кечирган, ҳатто тўламаган қарзлари учун турмага ташланган бўлармиди...

ҲУШЁРЛИК ДАРКОР

Огоҳлик

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қурлиш меъёр ва қоидалари, технологик лойиҳалаш меъёрига риоя қилиш, бошқа ёнғин хавфсизлигини белгилувчи қоидаларни кўзда тутиш тавсия этилади. Ҳар бир масканда ёнғин вақтида одамлар хавфсизлиги таъминланган, шунингдек, ёнғин хавфи бор бино ва қурилмалар учун ёнғиннинг олдини олиш йўриқномалари ишлаб чиқилган бўлиши керак. Барча муассасаларнинг илҳи ва хизматчиларига ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома (маълумот) олганларидан кейин ишга киришишга руҳсат берилди.

Шахсий уйлар, дала ҳовлилари, гаражлар ва бошқаларда ёнғин хавфсизлиги бўйича жавобгарлик уларнинг эгаларига юклатилади. Бино, иншоот, хона, ускуналар ижарага олинган ҳолда, агарда шартномада кўрсатилмаган

бўлса, ёнғин хавфсизлиги бўйича жавобгарлик ижарачига юклатилади. Конструкцияларнинг ёнғин таъсирида ёниш ёки ёнмаслиги уларнинг ёнувчанлиги хусусиятини белгилайди.

Ёнмайдиغان материаллар ҳам бор. Масалан, пўлат ёнмайдиغان материаллар сирасига киритилган. Лекин юқори ҳароратда пўлат ҳам ўз шаклини йўқотиб, бир уюм металл қолдиғига айланади, кучли қизиш натижасида хусусиятини йўқотиб, эгилювчан бўлиб қолади. Пўлат устунларнинг ёнғин оқибатида эгилиши биноларнинг вайрон бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатлар барчамиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади.

Ф.ОРТИҚОВ,
Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими,
Олмазор тумани

БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири бу ёнғин офати бўлиб, ўзидан мудҳиш излар қолдириши маълум. Айни шу “тилсиз ёв” сабабли йилга қанчадан-қанча кишилар азият чекади. Юртимизда ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун, Тошкент шаҳар ФВБ ҳарбий хизматчилари фаол ҳаракат қилиб келаётди. Аслини олганда, жиноятчиликка қарши курашиш кенг жамоатчиликнинг иши бўлганидек, ёнғинга қарши кураш олиб бориш ҳам шу юртининг фарзанди бўлган барча фуқароларнинг зиммасидаги бурчдир.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўз-босимчилик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Шунингдек, маҳалла ва кўчаларига ўзбошимчилик билан фуқаролар томонидан ноқонуний ўрна-тиб олинган тўсиқларни олиб ташлаш борасида ҳам тегишли ҳудуд аҳолиси билан тушунтирув ишлари олиб борилиб, бу қабилар ёнғин учирини автомобилларнинг ёқуд бошқа фақуллода вазиятларда тегишли уловларнинг кириб келишига ҳалақит бериши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шерзод ВАЛИЕВ,
“Маърифат маркази” ЙХТТЕБ ЙН ва ПБ мутахассиси

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ дастлабки очик танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдоларига, “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖНинг 2023 йил 28 мартдаги 42-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Заркайнар кўчасида жойлашган савдо шаҳобчасининг ижара ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. 5-дўкон савдо шаҳобчаси умумий майдони 18,9м² бўлган савдо шаҳобчаси бошланғич баҳоси – 54 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 08 май кунини соат 11:00дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифи берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилиш охириги муддати 2023 йил 05 май кунини соат 18:00да тўхтатилади.

Юқоридаги савдо шаҳобчаларнинг ижара ҳуқуқлари 2023 йил 08 май кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилиши белгиланган кундан уч кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпик конвертга солинган таклифлари ва ариза билан

биргаликда куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
– жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закат сифатида “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:20208000704920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширигунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй. Тел: (95) 199-12-21, (95) 195-12-21. www.kmsx.uz. Электрон почта: ko'chmasmulk@mail.ru.

Лицензия RR-0001.



O'ZBEKISTON
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили:
uzas.gzt@mail.ru

Муассис
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир
вазифасини
бажарувчи
Хумоюн
АКБАРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назардан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адали - 1005. Буюртма Г - 438.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

